

**“BIOKIMYO” aksiydorlik jamiyati taftishi komissiyasining  
2021 йил биринчи чорак якунлари бўйича жамиятда аффилиланган шахслар билан  
тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг  
ва жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир  
талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги  
ХУЛОСАСИ**

“BIOKIMYO” АЖ тафтиш комиссиясининг янги А.Қаххаров, Ш.Қ.Маматов ва Ф.Ф. Қореев аъзолигидаги таркиби акциядорларнинг 2020 йил 26 июндаги умумий йиғилишида тасдиқланган.

Тафтиш комиссияси аъзолари томонидан 2021 йил биринчи чорак якунлари бўйича жамиятнинг молиявий-иқтисодий ахволи, тузилган шартномалар рўйхати, уларнинг мазмуни, шартномаларни тузиш сабаблари ва мақсади ўрганиб чиқилди, аффилиланган шахслар рўйхати кўриб чиқилди. (Маълумотлар илова қилинади)

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2021 йил 06 февралдаги 619/03-10 сонли хати билан Қоидаларда белгиланган талаблар асосида аффилиланганлик тўғрисидаги ва устав капиталининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилаётган юридик шахсларнинг рўйхати Агентликнинг расмий [www.davaktiv.uz](http://www.davaktiv.uz) сайтида очиқ маълумотлар базасидан олиш мумкинлиги маълум қилинган.

Жамиятнинг аффилиланган шахсларининг рўйхати жамият томонидан ошкор қилинган.

Жамиятнинг 2021 йил биринчи чорак давомида тузилган шартномаларнинг қийматлари бўйича ўрганиб чиқилди. Қиймати йирик бўлган шартномалар асосан корхона учун хом-ашё хисобланган бугдой учун, жамиятнинг модернизация ва реконструкция бўйича чоратадбирларнинг бажарилиши юзасидан ускуналар сотиб олиш учун, эҳтиёт қисмлар, электр энергия ва табиий газ сотиб олиш учун ҳамда тайёр махсулотни сотиш бўйича шартномалари тузилган.

Жамият томонидан техник спирт ишлаб чиқариш учун лозим бўладиган хом-ашё, яъни эфир альдегид фракцияси (ЭАФ) сотиб олиш учун жорий йил давомида аффилиланган шахслар хисобланган АЖ QO`QONSPIRT билан 229.77 млн.сўмлик ва АЖ ANDIJON BIOKIMYO ZAVODI билан 471.88 млн.сўм битимлар, тайёр махсулотларни сотиш бўйича хулосанинг **2-иловасига** мувофиқ корхоналар билан шартномалар тузилган бўлиб, ушбу битимлар жамиятнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун ҳамда тайёр махсулотни сотиш учун тузилган, хом ашё ва материаллар сотиб олиш бўйича хулосанинг **1-иловасидаги**, асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлар бўйича контрактлар **3-иловага** мувофиқ, хизматлар учун **4 ва 5 иловаларга** мувофиқ электр-энергия, табиий газ ва ичимлик сувини сотиб олиш бўйича **6-иловага** мувофиқ юридик шахслар билан шартномалар тузилган.

Ректификатланган этил спиртини сотиш бўйича экспорт контрактлари тузилмаган.

Жамиятда 2018 йил июнь ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги” ЎРҚ-472 сонли Қонунига асосан шартномалар тузилиши давлат харидлари махсус ахборот портали [xarid.uz](http://xarid.uz) портали ёрдамида амалга оширилиши йўлга қўйилган. Тармоқлар ҳамда худудлар таркибига кирувчи фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини Электрон кооперация порталига қамраб олиш мақсадида ташкил қилинган [cooperation.uz](http://cooperation.uz) дан рўйхатдан ўтказилган.

Давлат харидлари махсус ахборот порталининг **e-xarid** майдонида жамият товар айланмаси **2021 йил биринчи чорак** давомида 1 963.55 млн.сўмни ва **e-shop** майдонида товар айланмаси 193.43 млн.сўмни ташкил қилган (Маълумотлар 7-илова қилинади). Тузилган жами шартномалар 80 тани ташкил қилган.

Жамиятда харидларни амалга ошириш учун танлов ва тендерларни ўтказиш учун доимий комиссия тузилган. Ташкиллаштирилган танловлар 9 та бўлиб, **823.54 млн сўмлик** шартнома тузилган.

Жамиятда Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржаси орқали қуйидаги хом-ашёларни ва ТМБ сотиб олиш ҳамда тайёр махсулотларни сотиш бўйича шартномалар тузилди.

сўмда

Хом ашё ва ТМБ	Шартномалар сони	Микдори	Умумий суммаси
Пшеница	180	11 300,00	32 732 347 570,00

Труба полиэтиленовая ПЭГК d-500 SN8 ООО VIKAAZ PLAST	1	60,00	17 940 000,00
Дизельное топливо ЭКО ООО "Бухарский НПЗ"	3	6 300,00	47 301 336,00
Мыло хозяйственное 60% 350гр ХИИ "Yangiyol Yog-Moy" АО	1	3 000,00	9 302 002,00
Карбамид марки "А", меш АО "Максам-Чирчик"	1	30,00	86 069 997,00
Масло дизельное M14B2 ООО Petrol Auto And Industrial	1	205,00	3 382 500,00
<b>ЖАМИ</b>	<b>187,00</b>		<b>32 896 343 405,00</b>

Тайёр махсулот	Шартномалар сони	Микдори	Умумий суммаси
Барда	113	37 700	1 656 426 616,80
<b>ЖАМИ</b>	<b>113</b>	<b>37 700</b>	<b>1 656 426 616,80</b>

Электрон кооперация портали cooperation.uz да **2021 йил биринчи чорак** давомида 64 шартнома 127.07 млн.сўмлик товарлар харид қилинди (*8-илова*). Маҳаллий саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган тайёр махсулотлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни, жумладан бўёқ махсулотлари, подшипниклар, лифт, текстиль махсулотлари сотиб олиш бўйича шартномалар тузилган.

#### **Жамият тафтиш комиссиясининг 2021 йил биринчи чорак якуни бўйича**

#### **ХУЛОСАСИ**

1. Жамиятда 2021 йил биринчи чорак давомида ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган хом ашё, электр энергия, табиий газ, ишлаб чиқариш ускуналари, асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмларини сотиб олиш учун экспорт контрактлари, жамият томонидан ишлаб чиқариладиган тайёр махсулотлар бўйича ҳамда Давлат харидлари махсус ахборот порталида товар моддий бойликлари ва хизматлар кўрсатиш бўйича битимлар тузилган (*маълумотлар 1-8 илова қилинади*).

2. Жамиятда 2021 йил биринчи чорак давомида аффилиланган шахслар билан битимлар тузилган бўлиб, улар йирик битимлар ҳисобланмайди ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш бўйича қайд қилинган қоидалар уларга нисбатан татбиқ қилинмайди.

3. "ВЮКИМУО" АЖ нинг аффилиланган шахслари ҳисобланган озиқали спирт, алкоғолли, ликер-ароқ ва вино махсулотларини ишлаб чиқарувчи ташкилотлар билан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузиладиган, битим предмети жамиятнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган хом ашё ва материаллар, шунингдек жамият томонидан ишлаб чиқариладиган тайёр махсулот бўлган битимлари жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида олдиндан маъқулланган.

4. Жамият ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур бўлган **"Сизими 2 000 тн буғдойни сақлаш силослари"** ва **"БРУ линиясининг эҳтиёт қисмлари"**ни маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан (техник кўрсаткичлар, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва муддатлари бўйича) харид қилиш имкони йўқлиги, ускуна ва нинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 минг бараваридан кам бўлган **импорт товар** ҳисобланиши инobatга олинсин ва усқунанинг корпоратив харидларини импорт орқали амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ва кузатув кенгашининг йиғилишида маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Жамиятда истеъмол товарларининг ва бошқа товарларни (ишларнинг, хизматларнинг) сотиб олиш Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисидаги" ЎРҚ-472 сонли Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2020 йил

21 августдаги ПҚ-4812-сон қарорида белгиланган тартиб ва талаблар доирасида амалга оширилаётгани, тузилган шартномалар рўйхати ва жамиятда ушбу Қонун доирасида харидларни амалга ошириш учун харид комиссиясининг доимий фаолият кўрсатиб келаётганлиги, улар томонидан тузилган баённомалар маълумот учун қабул қилинсин (*маълумотлар илова қилинади*).

6. Жамиятнинг тармоқлар ҳамда ҳудудлар таркибига кирувчи фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини Электрон кооперация порталига қамраб олиш мақсадида ташкил қилинган cooperation.uz дан рўйхатдан ўтказилганлиги ва унда тузилган битимлар маълумот учун қабул қилинсин.

***«ВЮКИМУ» АЖ***

***Тафтиш комиссияси раиси А.Қаххаров***

***Аъзолари:***

***Ш.Қ.Маматов***

***Ф.Ф. Қораев***